

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

**УДК: 347.4:368 (575.1)**

**БОЛТАЕВ МАНСУРЖОН СОТИВОЛДИЕВИЧ**

**ТИББИЙ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ  
ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи; тадбиркорлик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; халқаро  
хусусий ҳуқуқ

юридик фанлар номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**ТОШКЕНТ – 2011**

Тадқиқот иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ҳуқуқшунослик факультетининг “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедрасида бажарилган.

**Илмий раҳбар:**

юримдик фанлар доктори, профессор  
**Окюлов Оманбай**

**Расмий оппонентлар:**

юримдик фанлар доктори  
**Нарматов Нуриддин Соатмурадович**

юримдик фанлар номзоди  
**Аминжонова Матлуба Аҳмедовна**

**Етакчи ташкилот:**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги  
Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юримдик институти ҳузуридаги юримдик фанлар доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.016.15.02 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги йиғилишида бўлиб ўтади (100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35).

Диссертация иши билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юримдик институтининг кутубхонасида танишиш мумкин. (100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35).

Автореферат 2011 йил \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби,  
юримдик фанлар номзоди**

**Туребеков Тимур  
Мырзалиевич**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

### ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади инсон манфаатлари, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини таъминлашга хизмат қилади. Инсон саломатлигини сақлаш ҳар бир мамлакатнинг устувор вазифаларидан бири саналади. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда бозор муносабатлари тизимини ҳар томонлама мустаҳкамланиши ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш, бунда фуқаролик-ҳуқуқий воситалардан, айниқса шартномалардан фойдаланишни мақсад қилиб олган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида аҳамият бериш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларни таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш устувор вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, тиббий хизмат кўрсатишда суғурта имкониятларидан фойдаланиш нафақат эҳтиёж, балки объектив заруриятдир.

Тиббиёт соҳасига суғурта муносабатларининг кириб келиши эса замон талабларидан бири саналади. Зеро, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади”<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, ривожланган мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибаси тиббий суғурта шартномавий муносабатини тиббиёт соҳасида барча фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш имконини берадиган тиббий ёрдамни ташкил этишнинг мақбул шаклларида бири эканлигидан далолат беради. Жаҳонда тиббий суғурта тизимининг улкан тажрибаси тўпланган, бироқ ҳар бир мамлакат уни жорий этишда ўз тарихий, ижтимоий, иқтисодий шарт-шароитларини ҳисобга олиши лозим, бундан мамлакатимиз ҳам мустасно

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Тошкент, Ўзбекистон, 2010. – 50 б.

эмас. Зеро, иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз<sup>1</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббий суғурта бозори муайян даражада ривожланиб бормоқда. Маълумотларига кўра, агар ихтиёрий тиббий суғуртадан тушган суғурта мукофотлари ҳажми 2003 йилда атиги 21 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб, бу кўрсаткич 920,7 млн. сўмга етди. Қайд этиш керакки, 2010 йилгача суғуртанинг ушбу тури бўйича мукофотларнинг йиллик ўсиш ҳажми 220 % дан кам бўлмаган.<sup>2</sup> Шунингдек, Ўзбекистонда ихтиёрий шахсий суғурта турлари ичида тиббий суғурта катта суръатлар билан ривожланиб, 2008 йилда шахсий суғурта бадаллари ичида 30 % ни ташкил этган<sup>3</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда тиббий суғурта шартномасининг ихтиёрий турини амалиётда қўллаш ўзининг самарасини бермоқда. Бундай шартномавий муносабатларда тарафлар сифатида асосан хорижий мамлакат фуқаролари ва чет эл компаниялари ходимлари иштирок этмоқда.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш бўйича жаҳон амалиётида тиббий суғурта шартномасининг ўрни тобора ортиб бораётганлиги, аксарият давлатларда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялашда бюджет ажратмаларига қараганда, тиббий суғуртани маъқул кўраётганлиги, у соғлиқни сақлаш соҳасида бозор қонуниятлари кириб боришининг муҳим омилларидан бири эканлиги, мазкур соҳани мамлакатимизда кенг жорий этиш ҳамда тиббий суғурта билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш заруратини юзага келтиради.

Тиббий суғурта шартномавий муносабатини жорий этиш, аввало соғлиқни сақлаш тизимида қўшимча молиявий таъминотни вужудга келтиради. Бу эса ўз навбатида тиббий хизмат сифатининг ошишига, аҳоли турли қатламларининг ўз соғлиғига эътиборли бўлишини амалда таъминлаш имконини беради. Шу билан бирга, тиббий суғуртани жорий этиш – жамиятнинг соғлиқни сақлашга бўлган муносабатини тубдан ўзгаришига, фуқароларнинг суғуртани молиялаштиришда катнашишидан шахсий жавобгарлиги кучайишига, жамоатчилик учун тиббий суғурта ошкоралиги таъминланишига, соғлиқни сақлаш ҳаражатларининг салмоқли юкини давлат зиммасидан олинишига тиббий хизматлар бозори ривожланиб, соҳага рақобат муҳити кириб боришига, қўшимча инновацияларни жалб этиш имкониятининг яратилишига олиб келади.

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2010 йил 28 январь.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йилги маълумотномаси. –Тошкент, 2010. – Б. 35.

<sup>3</sup><http://www.sugurta.uz>

Мамлакатимизда тиббий суғурта шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий асосларини яратиш, соҳанинг ташкилий инфратузилмасини шакллантириш, тиббий суғурта шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш механизминини яратиш объектив заруратга айланмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда соғлиқни сақлашда тиббий суғурта тизимининг жорий этилиши ушбу воқеликларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидаги янги жиҳатларини аниқлаш, улар ўртасидаги шартномавий алоқаларни тартибга солишга қаратилган қоидаларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Тиббий суғуртани жорий этишда фуқаролик-ҳуқуқий воситалар – шартномаларнинг ўрни катта. Айнан шартнома тиббий суғуртанинг қайси турда бўлишидан қатъий назар, вужудга келтирувчи асослардан бири сифатида намоён бўлади.

Маълумки, тиббий суғурта шартномаси бир вақтнинг ўзида индивидуал-ҳуқуқий (ихтиёрий тиббий суғурта) ва оммавий-ҳуқуқий (мажбурий тиббий суғурта) элементларни ифодалайди. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, тиббий суғурта шартномасини, у қайси турга мансублигидан қатъий назар, ҳуқуқий тартибга солишда фуқаролик-ҳуқуқий элементларнинг устуворлигини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда шартномавий тартибга солишни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари тиббий суғурта шартномасига хос бўлган муҳим илмий-амалий муаммолар ва у учун хос бўлган жиҳатлар: “тиббий суғурта манфаати”, “тиббий суғурта ҳодисаси”, “тиббий суғурта мукофоти”, “тиббий суғурта товони”, “тиббий суғурта товламачилиги” каби тушунчаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда улар билан боғлиқ замонавий ёндашувларни тадқиқ этиш ва уларнинг миллий ҳуқуқ тизимига олиб кириш зарурати юзага келмоқда.

Шу сабабдан тиббий суғурта бозорининг ривожланиши билан ҳамоҳанг равишда тиббий суғурта шартномасининг тушунчаси ва табиатини очиб бериш бугунги кунда миллий цивилистика фани олдида турган долзарб масалалардан бири саналади. Бундан ташқари, тиббий суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонунчиликни яратиш, соҳага тааллуқли бўлган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, мавжуд қонун ҳужжатларидаги нормаларнинг янги воқеликка мувофиқлигини таҳлил қилиш ҳамда қонун ва қонун ости ҳужжатларининг ушбу соҳани тартибга солишдаги ўзаро нисбатини белгилаш орқали амалга оширилади.

Юқоридаги омиллар билан бирга, мазкур мавзу бўйича мамлакатимизда алоҳида монографик тадқиқотлар олиб борилмаганлиги ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фуқаролик ҳуқуқида тиббий суғурта шартномавий муносабатлари алоҳида тадқиқот объекти бўлган эмас, мазкур масала суғурта ёхуд хизмат кўрсатиш муносабатлари, тиббий хизмат муносабатлари доирасида маълум даражада тадқиқ этилган. Мазкур

масалалар Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, Д.М.Караходжаева, Р.Ж.Рўзиев, С.Б.Бобоқулов, С.С.Ҳамроев, Ш.Н.Рўзиназаров, Б.Б.Самарходжаев каби олимлар томонидан умумий тарзда тадқиқ этилган.

Суғурта муносабатларини ҳукукий тартибга солиш масалаларининг баъзи жиҳатлари мамлакатимизда айрим олимлар томонидан ўрганилган ва бу соҳада муайян тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, М.А.Аминжонова суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик-ҳукукий муаммоларини ўрганган бўлса, Н.Н.Абдуллаева суғурта шартномавий муносабатларини фундаментал тадқиқ этган.

Бундан ташқари, О.Окюлов, Н.Эгамбердиева, Н.Ашурова ва Ҳ.Собировлар суғурта, суғурта хизмати ва суғурта шартномасининг умумий асосларини ўрганганлар. Шунингдек, Й.Турсунов ва М.Йўлдошевлар суғурта ҳукуқи доираси суғурта муносабатларини ўрганишга ҳаракат қилганлар.

Тиббий хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳукукий масалалари Т.Мўминов, Н.Нарматов, Т.Исаков ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган бўлса, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари Д.И.Бабаев ва Н.Саид-Ғазиевалар томонидан ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда суғурта масалалари В.С.Белых, К.Бергман, Д.Бланд, М.И.Брагинский, В.В.Витрянский, А.А.Гвоздепко, К.А.Граве, С.Ефимов, С.Г.Журавин, А.Зейберт, О.С.Иоффе, И.В.Кривошеев, Л.А.Лунц, Л.А.Малицкая, О.А.Ноткин, В.И.Серебревский, Ю.Фогельсон, А.И.Худяков, В.В.Шихов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

МДҲ давлатларида тиббий суғурта билан боғлиқ масалаларнинг ҳукукий ва иқтисодий масалалари А.В.Свидерский, А.Д.Аюшиев, О.И.Русакова, В.В.Гришин, В.Г.Бутова, А.А.Резников, С.А.Ахмедов, М.Ю.Федорова, П.З.Иванишин, Н.Козлова, М.Кратенко ва бошқалар томонидан махсус фундаментал тадқиқот сифатида ўрганилган<sup>1</sup>.

Гарчи, кўрсатиб ўтилган тадқиқотлар ишнинг илмий-назарий асосларини шакллантиришда муҳим асос вазифасини бажарган бўлса-да, бироқ, миллий фуқаролик ҳукуқи тизими ва қонунчилигида тиббий суғурта шартномаси, моҳияти, турлари, тиббий суғурта шартномасининг мазмуни билан боғлиқ масалалар, тиббий суғурта шартномавий муносабатларини ҳукукий тартибга солувчи норматив базани шакллантиришга бағишланган комплекс монографик тарздаги тадқиқот иши олиб борилмаган.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Миллий университети Илмий-техникавий кенгашининг 2008 йил 21 майдаги 3-сонли мажлисида тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси Бюллетенининг 2008 йил 5-сонидан эълон қилинган.

**Тадқиқотнинг мақсади** миллий фуқаролик ҳукуқи соҳасида тиббий суғурта шартномаси мазмун-моҳиятини очиб бериш, унинг суғурта шартномалари

---

<sup>1</sup>Мазкур муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

тизимида тутган ўрнини ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, тиббий суғурта шартномаси турларининг умумий тавсифини ишлаб чиқиш, амалдаги фуқаролик қонунчилигининг тегишли институтларини тартибга солувчи нормаларини такомиллаштириш юзасидан ғоялар, таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари** унинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилардан иборат:

- тиббий суғурта шартномасининг тушунчаси ва табиатини очиб бериш;
- тиббий суғурта шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тизимида тутган ўрни ва ўзига хослигини миллий ва хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда тадқиқ этиш;
- хорижий мамлакатларда тиббий суғурта моделларининг шаклланишини қиёсий таҳлил этиш ва мамлакатимиз суғурта бозорига уларнинг ижобий жиҳатларини олиб кириш бўйича фикр-мулоҳазаларни баён этиш;
- тиббий суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш босқичларини таҳлил этиш;
- тиббий суғурта турларининг умумий тавсифини очиб бериш;
- ихтиёрий ҳамда мажбурий тиббий суғурта ва унинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш орқали уни мамлакатимизда қўллаш истиқболларини белгиловчи фикр-мулоҳазаларни баён этиш, бу борада илмий-амалий таклиф ва ҳулосаларни ишлаб чиқиш;
- тиббий суғурта шартномасининг мазмунини амалий ва назарий жиҳатдан таҳлил этиш;
- тиббий суғурта шартномаси тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тадқиқ этиш;
- тиббий суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун умумий жавобгарлик масалаларини ўрганиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқот объектини тиббий суғурта шартномаси ва уни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади. Тадқиқотнинг предметиға тиббий суғурта шартномаси тушунчаси, моҳияти, мазмуни, турлари, ўзига хос хусусиятлари ва улар билан боғлиқ муаммоли масалалар киради.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқотнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизда суғурта ва молиявий хизматлар бозори муаммоларини ҳал этиш ҳамда суғурта қонунчилигини такомиллаштириш борасида билдирган фикрлари ва ғоялари ташкил этади.

Диссертацияда тарихийлик, формал-мантиқийлик каби универсал методлар; таққослаш, таҳлил ва синтез қилиш, умумлаштириш, тизимлаштириш сингари умуммиллий методлар; илмий назариялар яратиш,

илмий натижаларни баён этиш каби махсус илмий методлардан фойдаланилди.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

1. Тиббий суғурта моҳияти, шартлари бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ҳисобланади ва фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш механизми таъсири остида бўлади. Шу боис фуқаролик ҳуқуқи фани тегишли тушунчаларни ишлаб чиқишни талаб этади. Мавжуд илмий адабиётлар ва амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлил этилган ҳолда, тиббий суғурта шартномасига қуйидаги илмий таъриф берилди. Тиббий суғурта шартномаси бу – бир тараф (суғурталовчи) ва иккинчи тараф (суғурта қилдирувчи) ўртасида тузилган шахсий суғурта шартномаси туркумига мансуб келишув бўлиб, қонун ҳужжатлари (мажбурий тиббий суғуртада) ёки ўзаро тузилган шартномага (ихтиёрий тиббий суғуртада) асосан, суғурта қилдирувчи ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг соғлиғини тиклаш ёки унга зарар етказилиши натижасида шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда, тиббий суғурта дастурларига мувофиқ, суғурталовчи томонидан тиббий хизмат кўрсатувчи шахсга шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки қисман мақсадли асосда тўлаш мажбуриятини олади.

Мазкур тушунча ФКда назарда тутилган универсал ва шахсий суғурта шартномалари тушунчаларига таянган ҳолда, ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари эътиборга олиниб ишлаб чиқилган, унинг ўзига хос хусусиятлари, аввало, шахсий суғурта шартномаси туркумига мансублиги, тиббий суғурта ихтиёрий ёки мажбурий кўринишда бўлиши мумкинлиги, суғурта пули суғурталанган шахсга эмас, балки унга тиббий хизмат кўрсатувчи муассасага тўланиши, бунда суғурта дастури муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги қоидаларни ўзида мужассам этганлиги билан характерлидир.

2. Суғурта шартномасининг умумий хусусиятини ўзида қамраб олган, янгидан-янги суғурта шартномалари турлари вужудга келаётган ҳозирги вақтда, улар учун умумий асос сифатида хизмат қилиши лозим бўлган ягона таърифнинг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Бу борада диссертант томонидан цивилист олимларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш асосида “суғурта шартномаси”га қуйидаги таъриф илгари сурилди:

Суғурта шартномасига мувофиқ, бир тараф (суғурталовчи) шартномада келишилган суғурта мукофоти эвазига белгиланган суғурта ҳодисаси юз берганда, иккинчи тараф (суғурта қилдирувчи)га ёки шартномада кўрсатилган бошқа шахс (наф олувчи)га белгиланган суғурта суммасини тўлаш мажбуриятини олади.

Айнан мазкур таъриф суғурта муносабатларининг асосий хусусиятларини қамраб олганлиги, тушунарли ва содда кўринишда ифода этилгани, барча суғурта шартномаси турлари учун умумий характер касб

этиши билан ажралиб туради. Ўз-ўзидан ушбу таъриф тиббий суғурта шартномаси учун ҳам умумий асос, шу билан бирга, асосий мезон саналади.

3. Тиббий суғурта ва бошқа суғурта шартномалари моҳиятини таҳлил қилиш орқали ва унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда мазкур шартномаларни шартли равишда яна қуйидаги туркумга бўлиш мақсадга мувофиқ:

-тижорат суғурта шартномаси (асосан моддий манфаатларни суғурталаш шартномаларини ўз ичига олади ва бунда тарафлар ўртасида шартнома муносабатлари ҳар иккала томоннинг ҳам ушбу шартномадан фойда, манфаат кўришини таъминлашга қаратилади);

-ижтимоий суғурта шартномаси (моҳиятан муайян даражадаги аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ суғурта шартномалари);

-оралиқ жисмоний суғурта шартномаси (асосан, шахсий характердаги, инсоннинг бевосита жисмоний имкониятларини суғурталаш шартномалари ҳисобланиб, суғурта объекти инсон танаси ва унинг таркибий қисмлари саналади. Мазкур шартномага “оралиқ жисмоний” иборасини қўллашдан мақсад, у тадбиркорлик соҳаси билан боғлиқ ҳолда ҳам тузилиши ва унинг моҳиятидан ижтимоийлик кўриниши ҳам мумкин).

4.Тадқиқотчининг назарида тиббий суғурта шартномаси тузишдан манфаатдорлик бу – суғурталанган шахснинг тиббий суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, ўз саломатлиги учун юзага келган салбий оқибатларни бартараф этиш мақсадида, суғурта ташкилотининг молиявий кўмаги асосида сифатли тиббий хизматдан самарали фойдаланишидир.

5.Мажбурий тиббий суғурта муносабатларини фақатгина шартнома ҳамда “соф” хусусий ҳуқуқ билан боғлаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Бундан ташқари, унинг вужудга келишдаги маъмурий асосини эътиборга олиб, оммавий-ҳуқуқий муносабат сифатида эътироф ҳам этиб бўлмайди. Шу сабабли, унга нисбатан “комплекс” иборасини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу борада муаллиф мажбурий тиббий суғурта шартномасини комплекс (хусусий ва оммавий ҳуқуқ элементларини ўз ичига олган) шартнома деган, хулосага келади.

6.Диссертантнинг нуқтаи назарига кўра, мажбурий тиббий суғурта шартномаси соғлиқни сақлаш соҳасида аҳоли манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш шаклидир. У суғурта дастурлари доирасида тиббий хизматни молиялаштириш мақсадида ташкил этилган махсус суғурта фондлари орқали таъминланади. Назаримизда, мажбурий тиббий суғурта фонди бу – марказлаштирилган (Республика ва унинг ҳудудий бирлашмалари) ҳолда мажбурий тиббий суғурта бадалларини жамлаш ва уларни мажбурий тиббий суғурта дастурига асосан белгиланган тиббий хизматлар учун тиббиёт муассасаларига суғурталанувчи-мижозга кўрсатилган тиббий хизмат учун ҳаражатларни тўлашни ҳамда мажбурий тиббий суғурта соҳасида давлат сиёсатини амалга оширадиган давлатга тегишли, мол-мулки оператив бошқарув асосида бириктирилган нотижорат ташкилотидир.

7.Муаллифнинг фикрича, тиббий суғурта шартномасида суғурта хавфини баҳолаш бу – ҳар бир суғурталанувчига индивидуал ёндашишни талаб этувчи, суғурта суммасини оқилона даражада белгилаш имконини берадиган, бошқа шахсий суғурта шартномаларидан фарқли равишда бевосита суғурта хавфини оқилона баҳолашдан манфаатдор суғурталовчи ва суғурталанувчи эмас, суғурталовчи ва тиббий муассаса ҳисобланадиган ҳолат саналади.

**Илмий янгилиги.** Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқининг суғуртага оид асосий институтларидан бири сифатида тиббий суғурта шартномасини ҳуқуқий тартибга солишга оид назарий, ҳуқуқий ва амалий масалалар илк маротаба фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан монографик даражада тадқиқ этилди. Натижада, фуқаролик ҳуқуқида суғурта, тиббий хизмат кўрсатиш, хусусан, тиббий суғурта шартномаси билан боғлиқ назарий ва амалий муаммоларнинг ўзига хос ечими сифатида янги тушунчалар, илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, диссертация ишининг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

*биринчидан*, бозор муносабатлари қонунияти негизида ҳамда миллий фуқаролик ҳуқуқи тизимида тиббий суғурта шартномасини ҳуқуқий тартибга солиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилди;

*иккинчидан*, тиббий суғуртани фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш воситаси сифатида фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг умумий жиҳатлари илмий таҳлил этилди;

*учинчидан*, тиббий суғурта шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича бир қатор илмий-назарий таклифлар илгари сурилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда билдирилган таклифлар, умумлаштирилган хулосалар Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш, суғурта, хусусан тиббий суғуртага оид шартномавий муносабатлар ва уларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Айтиш мумкин, мазкур диссертация натижаларидан фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича дарслик, ўқув қўлланмаларининг тегишли мавзуларини тайёрлашда ҳамда ушбу фан бўйича дарс бериш жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертантнинг тиббий суғурта қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (17.10. 2011 йилдаги №33-2/618 - сонли хат), томонидан маъқулланган ва тегишли далолатномалар билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Миллий университети бакалавриат ҳамда магистратура йўналишида таълим олувчи талабаларга “Фуқаролик ҳуқуқи” фанидан маъруза ҳамда амалий машғулотлар олиб боришда, ўқув қўлланма, мақолалар тайёрлашда кенг фойдаланиб келинмоқда.

**Натижаларнинг синовдан ўтиши (апробацияси).** Диссертация иши ЎЗМУ ҳуқуқшунослик факультети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси йиғилишида, ТДЮИ “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси мажлисида, Наманган давлат университети Ҳуқуқшунослик факультети Илмий семинарида ҳамда Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги Ихтисослашган кенгаш қошидаги Илмий семинарда муҳокама қилинган ва оммавий ҳимояга тавсия қилинган.

Илмий изланишларнинг асосий мазмуни ва натижалари тадқиқотчининг “Олий ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари муҳофазасини таъминловчи фанларни ўқитишнинг замонавий муаммолари” (Тошкент, 2009), “Бозор ислохотлари шароитида фуқаролик конунчилигини такомиллаштириш муаммолари” (Тошкент, 2010), “Суд –ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг аҳамияти” (Тошкент, 2011) мавзусидаги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференциялар ҳамда давра суҳбатларида маъруза қилинган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий назарий хулосалари ва амалий тавсиялари муаллифнинг 16 та илмий ишида ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг 7 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатига киритилган журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, ўн бир параграфни қамраб олган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 169 бет бўлиб, мавзуга оид 150 дан ортиқ манбадан фойдаланилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида илмий-тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, методлари, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси), натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертация тадқиқотининг тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг “**Тиббий суғурта шартномаси тушунчаси ва уни тартибга солишнинг умумий тавсифи**”га бағишланган биринчи бобининг дастлабки параграфи “Тиббий суғурта шартномасининг тушунчаси ва табиати” деб номланиб, унда тиббий суғурта муносабатларининг тарихий ривожланиши, суғурта ва тиббий суғурта шартномалари тушунчалари, уларнинг табиати, миллий ҳамда хорижий давлатларнинг норматив ҳужжатлари илмий адабиётларда билдирилган фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда таҳлил этилган. Маълумки, суғурта фаолияти турли соҳаларда, жумладан, меҳнат муносабатларида ижтимоий суғурта, тадбиркорлик

муносабатларида мулкӣ суғурта, фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчларининг ҳуқуқӣ муҳофазаси билан боғлиқ муносабатларда шахсий суғурта сифатида кенг қўлланилмоқда. Лекин фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва уларни ижтимоӣ ҳимоялаш билан боғлиқ муносабатларда қўлланиладиган яна бир суғурта тури мавжудки, бу тиббӣ суғуртадир. Тиббӣ суғурта мамлакатимиз учун ноанъанавӣ бўлган суғурта хизматларидан биридир. Ҳанузгача амалдаги қонун ҳужжатларида тиббӣ суғурта тушунчаси, унинг қўлланиш соҳаси ҳақида изоҳ ва тушунчалар назарда тутилмаган бўлса-да, тиббӣ суғуртанинг ихтиёрий тури хорижий мамлакатлар фуқаролари ва корхоналари томонидан тузилмоқда.

Миллий қонунчилигимизда “тиббӣ суғурта шартномаси” тушунчаси мавжуд эмас. Ҳатто ФКда, бу шартнома суғурта шартномасининг тури сифатида ҳам ўз аксини топмаган. Бу шартнома фуқароларнинг соғлиғини сақлаш муносабатларида қўлланиладиган суғурта шартномаси туридир. Лекин мазкур шартномани асло ҳаёт ва соғлиқни суғурталаш шартномаси билан алмаштириш мумкин эмас. Тиббӣ суғурта шартномаси ўз хусусиятлари, қўлланилиш соҳаси ва функциялари билан ҳаёт ва соғлиқни суғурталаш шартномасидан фарқ қилади.

Тиббӣ суғурта тушунчасини ёритишда, унинг – касаллик билан боғлиқ бўлган турли ҳаражатлар, тиббӣ хизмат кўрсатиш объекти бўлган суғуртанинг бир тури (А.Д.Аюшиев, О.И.Русакова); суғурта фаолиятининг алоҳида ташкилий-ҳуқуқӣ шакли (В.В.Шихов); ҳар қандай кўринишдаги соғлиқни йўқотиш жараёнида аҳолини ижтимоӣ ҳимоя қилиш шакли ва воситаси (В.М. Родионова ва бошқалар) сифатидаги талқинлари ҳам мавжуд.

Тиббӣ суғурта шартномасига берилган муаллифларнинг (Н.Абдуллаева, А.В.Свидерский, В.В.Гришин, В.Г.Бутова, А.А.Резников, О.Андреева, Н.Тэгай ва бошқалар) илмӣ таърифларини таҳлил қилган ҳолда ҳамда тиббӣ суғурта шартномасининг ўзига хослиги турдош шартномалардан фарқли хусусиятларини (тиббӣ суғурта шартномасида суғурта пули тиббӣ хизматдан фойдаланувчи – суғурталанувчига эмас, суғурта шартномасида ёки амалдаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган ёки суғурта компанияси билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларига эга ҳамда тиббӣ суғурта дастурида назарда тутилган тиббиёт муассасасига тўланиши, бунда бемор суғурта пулини “қўлига ушламаслиги” ва суғурта пули реал касаллик ҳолатини инобатга олиб ва у суғурта ҳодисасида назарда тутилган ҳоллардагина тўланиши) инобатга олиб, тиббӣ суғурта шартномасига ўз муаллифлик таърифини ишлаб чиққан.

Диссертация биринчи бобининг иккинчи параграфи “Тиббӣ суғурта шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқӣ шартномалар тизимида тутган ўрни ва ўзига хослиги” деб номланади. Тиббӣ суғурта шартномаси ўз хусусияти ва табиатига кўра суғурта шартномасининг “шахсий суғурта” турига мансубдир. Тиббӣ суғурта инсон саломатлиги билан узвий боғлиқ. Тиббӣ суғурта шартномаси тузишдан асосӣ мақсад мулкӣ эҳтиёж билан бевосита боғлиқ

ва келажакда моддий оқибатни шу шартнома пули орқали қоплаш бўлса-да, лекин шартнома моҳиятидан келажакда муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи, фуқаролик жавобгарлиги ва тадбиркорлик хавфини суғурталаш англашилмайди. Балки шахсларнинг тиббий суғурта шартномасини тузишдан асосий мақсади ўзи ёки шартномада кўрсатилган шахснинг ҳаёти ва саломатлигига бўлган муносабати ҳисобланади.

Шахсий суғурта шартномасининг ҳар бир тури ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, аксарияти “соф” шахсий суғурта шартномаси саналмайди. Уларда шахсий (ҳаёт ва соғлиқ) ва мулкӣ (мол-мулкка етказилган зарар) суғурта элиментлари мавжуд бўлиб, уларда суғурта пули суғурталанувчига берилади ва у пулдан суғурталанувчи ҳам ўз ҳаражатларини, ҳам кўрган зарарларини қоплаш имкониятига эга. Тиббий суғурта шартномаси эса “соф” шахсий характерга эга. Унда фақат инсон саломатлиги суғурта шартномасининг предмети бўлади ва моддий манфаат иккинчи ўринга ўтади. Суғурталанган шахснинг бошқа моддий зарар ва ҳаражатлари эътиборга олинмайди. Бундан ташқари, тиббий суғурта шартномасида суғурта пули тиббий хизматдан фойдаланувчи – суғурталанувчига эмас, суғурта шартномасида ёки амалдаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган ёки суғурта компанияси билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларига эга ҳамда тиббий суғурта дастурида назарда тутилган тиббиёт муассасасига тўланади.

Тиббий суғурта ва бошқа суғурта шартномалари табиатини таҳлил қилиш орқали ва унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда суғурта шартномаларини шартли равишда яна тижорат суғурта шартномаси (асосан моддий манфаат суғурталанадиган); ижтимоий суғурта шартномаси (ижтимоий функцияни бажарадиган); оралик жисмоний суғурта шартномаси каби туркумларга бўлиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқот ишида асослаб беришга ҳаракат қилади. Илмий адабиётларни (С.А.Ахмедов) таҳлил этган ҳолда ҳамда тиббий суғуртанинг қўлланилиш соҳасини инобатга олиб, муаллиф тиббий суғурта аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишидан келиб чиқиб, уни ижтимоий суғурта шартномаси туркумига киритади.

Муаллиф тадқиқот ишида тиббий суғурта ва у билан тартибга солинадиган шартномавий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатади.

Ушбу бобнинг учинчи параграфи “Хорижий мамлакатларда тиббий суғурта моделларининг шартномавий асослари ва мамлакатимизда тиббий суғурта модели шартномавий асосларининг шакллантириш истиқболлари” деб номланади. Ушбу параграфда муаллиф “Беверид модели”, “Бисмарк модели”, “Миллий шифохона кассаси тизими” “Medicaid” ва “Medicare” дастурлари доирасидаги суғурта тизими, “МДХ модели” кабиларни илмий таҳлил этади ва мажбурий тиббий суғурта шартномасининг универсал модели йўқлигини эътироф этади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ихтиёрий

тиббий суғурта бозори тор доирада амал қилса-да, аста-секин шаклланмоқда. Республикамизда тиббий суғурта модели аввало, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги “ўзбек модели” таъсирида шаклланиши муболаға эмас. Демак, миллий тиббий суғурта моделида асосий эътибор кучли ижтимоий ҳимояга асосланиши ва ўз-ўзидан тиббий суғурта босқичма-босқич ривожлантирилишига қаратилиши лозим. Диссертантнинг фикрича, тиббий суғуртанинг дастлабки босқичида ихтиёрий суғуртани ривожлантиришга кенг ўрин бериш лозим. Бунда аввало, аҳоли муайян қатламларида тиббий суғуртага кўникма пайдо бўлади. Шунингдек, корпоратив тиббий суғуртани жорий этиш, бунда корхоналарни кенг қамраб олиш учун муайян бир муддатга иқтисодий имтиёзлар жорий этиш керак.

Ушбу бобнинг тўртинчи параграфи “Тиббий суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш босқичлари” деб номланади. Тиббий суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солинишини тадқиқ этишда соғлиқни сақлаш ва суғурта муносабатларининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Зеро, айнан мазкур муносабатларни “қўшалок” тарзда ўрганиш орқалигина, ҳозирги кунда ўз махсус қонуний асосига эга бўлмаган тиббий суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш истиқболларини белгилаш мумкин. Муаллиф тадқиқот ишида соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган қатор норматив ҳужжатларни таҳлил этган ҳолда, пулли тиббий хизмат кўрсатиш муносабатлари ривожлансагина тиббий суғуртага эҳтиёж ошишини таъкидлаб ўтади ҳамда соҳада босқичма-босқич бу борадаги норматив база яратилаётганлигига эътибор қаратади.

Диссертант бугунги кунгача гарчи айрим норматив ҳужжатларда “тиббий суғурта” ибораси қўлланилган бўлса-да, амалда тиббий суғурта муносабатлари ўз норматив асосига эга эмаслигига танқидий ёндашади. Мамлакатимизда кўпгина суғурта компаниялари тиббий суғуртани ўз локаль ҳужжатлари орқали тартибга солмоқдалар.

Тадқиқотчи бир қатор давлатлар (Украина, Россия Федерацияси, Молдова Республикаси)нинг қонунчилигини таҳлил этиб, “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”ги қонун қабул қилиш ўрнига “Тиббий суғурта тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди ҳамда қонунда ўз аксини топиши лозим деб ҳисоблаган айрим нормалар бўйича таклиф-мулоҳазаларини диссертация ишида баён этади.

Диссертациянинг **“Тиббий суғурта шартномаси мазмуни ҳамда у билан боғлиқ жавобгарлик масалалари”** деб номланади. Унинг биринчи параграфи “Тиббий суғурта шартномасининг тузиш тартиби”га бағишланади. Тиббий суғурта шартномасини тузиш тартиби ва асослари суғурта шартномаларини тузиш шартлари билан боғлиқ умумий қоидаларга таянади.

Тиббий суғурта шартномасида суғурталовчи томонидан бир қатор тиббий суғурта дастурлари суғурта қилдирувчига тақдим этилади. Бу дастурларни ўргангандан сўнг у танлаган дастур асосида суғурта

шартномасини тузиши мумкин бўлади (ихтиёрий тиббий суғуртада). Мажбурий тиббий суғурта шартномасини тузишда ягона тиббий суғурта дастури шартнома тузиш учун асос саналади.

Одатда, тиббий суғурта шартномалари тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат – суғурта полисининг берилиши шартнома тузилганлигини билдиради ва у келажакда суғурта ҳодисаси юз берганда, тиббий суғурта дастури доирасида, тиббиёт муассасига мурожаат этилганда тақдим этиладиган асосий ҳужжат сифатида кўрсатилади. Айнан шахс кўлида тиббий суғурта полисининг мавжудлиги, унга тиббий хизмат ҳаражатларини суғурта орқали қоплаш имконини беради. Тиббий суғурта полиси унинг турларидан келиб чиқиб, турлича шаклларда бўлиши мумкин.

Шартномани тузишда Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни ва “Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида”ги Низом талабларига асосан, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари қатнашишлари мумкин.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи “Тиббий суғурта шартномасининг мазмуни” деб номланади. Тиббий суғурта шартномасининг мазмуни унинг хусусияти ва туридан келиб чиққан ҳолда шаклланган шартнома бандларидан таркиб топади. Тиббий суғурта шартномаси мазмунини белгилашда муҳим саналган унсурлар шартнома тарафлари, предмети, суғурта ҳодисаси, муддати, суғурта мукофоти, суғурта товони, суғурта манфаати, суғурта бадаллари, суғурта шартномаси доирасида кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари кабилар олдиндан белгиланиб олиниши лозим ва айнан улар орқали шартнома бандлари шаклланади.

Тиббий суғурта шартномасида суғурта манфаати, бошқа суғурта муносабатларига киришишдаги манфаатдан муайян даражада фарқланади. Бошқа суғурта турларида моддий зарарни қоплаш (шахсий ёки мулкӣ суғурта бўлишидан қатъи назар) манфаатдорликнинг асосини ташкил этса, тиббий суғуртада суғурталанган шахснинг соғлиғини тиклаш асосий омил саналади. Тиббий суғурта шартномасидаги манфаатдорлик суғурталанган шахснинг даволанишга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиши сабабли, суғурта пули даволанаётган шахсга эмас, унга тиббий хизмат кўрсатаётган муассасага берилади. Шу сабаб бу ерда бошқа суғурта шартномаларига нисбатан суғурта товламачилигига деярли йўл қўйилмайди. Тиббий суғурта шартномасидаги суғурта манфаати умумжамият манфаати сифатида ҳам намоён бўлади (мажбурий тиббий суғуртада). Юқоридагилардан келиб чиқиб, муаллиф тиббий суғурта шартномаси тузишдан манфаатдорлик тушунчасини ишлаб чиқади.

Муаллифлар (Н.Н.Абдуллаева) суғурта пулини турли мезонлар асосида таҳлил қиладилар. Мазкур мезонлар умумий суғурта муносабатлари учун хосдир. Аммо тиббий суғурта шартномасида суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисаси юз берган ҳолларда суғурта пулини “ўз кўлига олмаслиги” мазкур мезонлар тўла ўз хусусиятини намоён этмаслигига олиб келиши ҳам

мумкин. Тиббий суғурта шартномасида бошқа шахсий суғурта шартномалари каби суғурта пулини тарафлар ўз ихтиёрларига кўра аниқлайдилар (ФК 934-моддасининг бешинчи қисми). Мажбурий тиббий суғуртада эса суғурта пули суғурта объектининг ҳажми ва давлат томонидан белгиланган таърифга асосан аниқланади. Тадқиқотчининг фикрича, тиббий суғурта шартномасида суғурта пулининг миқдори қайд этилган миқдорда, табақалаштирилган тарзда ҳамда амалда тиббий хизмат ҳақи миқдорида белгиланиши мумкин.

Бундан ташқари, муаллиф тадқиқот ишида тиббий суғурта шартномасининг муҳим бандлари саналган тиббий суғурта шартномаси амал қилувчи ҳудуд, муддат, баҳо каби масалаларга алоҳида эътибор қаратади.

Ихтиёрий тиббий суғурта шартномаси мазмуни шаклланишида суғурта дастурлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Диссертант буни “Ўзбекинвест-хаёт” суғурта компанияси мисолида очиб беришга ҳаракат қилади.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи “Тиббий суғурта шартномаси тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” деб номланади. Унда шартнома тарафларининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари таҳлил этилган. Тиббий суғурта шартномасининг тарафлари бўлиб, амалдаги қонун ҳужжатлари ва тиббий суғурта дастурларига асосан, тиббий суғуртанинг амалга оширилиши ҳамда тиббий хизматларнинг кўрсатилиши билан боғлиқ муносабатларда қатнашувчи шахслар саналиб, уларга суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс, суғурталовчи (тиббий суғурта жамғармаси ёки суғурта ташкилоти) ва тиббиёт муассасаси киради.

Тиббий суғурта шартномасида суғурталовчи унинг туридан келиб чиқиб белгиланади. Ихтиёрий тиббий суғуртада суғурта ташкилоти, мажбурий тиббий суғуртада тиббий суғурта фонди суғурталовчи бўлиши мумкин. Фонд Ҳукумат томонидан ташкил этилади ва мажбурий тиббий суғурта муносабатларида давлат сиёсатини амалга оширади.

Корпоратив тиббий суғурта шартномавий муносабати иштирокчилари масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Тиббий суғурта шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари универсал суғурта шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари негизида шаклланади. Лекин, тиббий суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари айрим янги ҳуқуқ ва мажбуриятларни жорий этилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ушбу бобнинг тўртинчи параграфи “Тиббий суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари” деб номланади. Муаллифнинг таъкидлашича, тиббий суғурта шартнома муносабатларида жавобгарлик соф хусусий-ҳуқуқий характер касб этмайди. Мажбурий тиббий суғуртада муносабат ҳам хусусий, ҳам оммавий-ҳуқуқий элементлардан таркиб топган комплекс ҳуқуқий тартиботни талаб этса, ихтиёрий тиббий суғуртада муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий характер касб этади. Зеро, мажбурий тиббий суғурта тузилишида асосий мезон саналган маъмурий чоралар жавобгарликнинг вужудга келишида ҳам муҳимдир.

Тадқиқотнинг учинчи боби “**Тиббий суғурта шартномасининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари**” деб номланади. Унинг “Тиббий суғурта шартномаси турларининг умумий тавсифи” деб номланган биринчи параграфиди тиббий суғурта шартномаси предмети, вужудга келиш асослари ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб туркумланади ва уларнинг мазмун-моҳияти очиб берилади. Кўпгина адабиётларда тиббий суғурта шартномасининг фақат ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта шартномаси каби турлари мавжудлиги таъкидланади. Муаллиф илмий адабиётлар ва айрим давлатлар қонунчиликларини таҳлил этиб, ихтиёрий, мажбурий ва мажбурий давлат тиббий суғуртасига бўлиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди, улар ҳар бири ўз хусусияти, вужудга келиш асослари, молиялаштирилиш манбаларидан келиб чиқиб фарқланишини эътироф этади. Бундан ташқари, тиббий суғурта шартномалари жамоавий ва хусусий, тиббий-даволаниш хизматини суғурталаш, дори-дармон билан таъминлашни суғурталаш ва тиббий профилактика тадбирларини суғурталаш кабиларга бўлинишини таъкидлайди. Шунингдек, ихтисослашган тиббий хизматнинг айрим турларини суғурталашга қаратилган тиббий суғурта шартномалари ҳам тузилиши мумкинлиги, улар суғурталановчининг моддий имкониятлари доирасидан келиб чиқиши, буларни “тўлиқ бўлмаган тиббий суғурта шартномаси” деб номлаш лозимлиги, уларга бир марталик, комплекс, амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизматни суғурталаш шартномалари киришини эътироф этади. Муаллиф юқоридагилардан келиб чиқиб, тиббий суғурта шартномасини анъанавий ва ноанъанавий йўсинда туркумлаб, анъанавий туркумлашга ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғуртани, ноанъанавий туркумлашга предмети ва ихтисослашуви бўйича турларга бўлинган тиббий суғурталарни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи “Ихтиёрий тиббий суғурта шартномасининг умумий жиҳатлари” деб номланади. Ихтиёрий тиббий суғурта шартномаси тиббий хизмат пулли бўлган давлатлардагина самарали ривожланади. Агарда тиббий ёрдам бепул ҳамда тўлиқ давлат томонидан ёки мажбурий тиббий суғурта орқали қопланадиган бўлса, ихтиёрий тиббий суғурта шартномасига бўлган эҳтиёж ўз-ўзидан камаяди ёки йўқолади. Муаллиф ихтиёрий тиббий суғурта шартномаси тушунчаси ва табиатини очиб беришда бир қатор олимларнинг (Н.Абдуллаева, М.Ю.Федорова, П.З.Иванишин) фикр-мулоҳазаларини таҳлил этади. Ихтиёрий тиббий суғурта шартномасининг соғлиқни суғурталаш, тиббий ёрдам ҳаражатларини суғурталаш, индивидуал ва корпоратив, даволаш ҳаражатлари билан боғлиқ бўлмаган тўловларни назарда тутадиган, даволаш билан боғлиқ барча турдаги ҳаражатларни тўлашни назарда тутувчи турларини таҳлил этади.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи “Мажбурий тиббий суғурта шартномаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланади. Одатда, давлат мажбурий суғуртаси фуқаролар ва давлатнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида тузилади ва бу шартнома бўйича суғурта бадалларини тўлаш

давлат бюджетида ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Мажбурий суғурта шартномаси бошқа суғурта шартномаларидан суғурта пули, бадали махсус қонунларга асосан тузилиши ва бадал миқдори қатъий белгиланганлиги, уни фақат суғурта қилдирувчи томонидан тўланиши билан фарқ қилади.

Мажбурий тиббий суғурта шартномасининг ижтимоий характери шундан иборатки, унда ҳар бир суғурталанган шахсга бир хил тиббий ёрдам кўрсатилишда тенг ҳуқуқ таъминланади. Яъни, турли ижтимоий ва мулкӣ мавқеидан қатъи назар барча аҳоли қатламларига тиббий хизмат бирдай кўрсатилиши кафолатланади ҳамда касаллик бадали тенг тақсимланади. Мажбурий тиббий суғурта шартномасининг асосий мақсади суғурта бадалларини тўплаш ҳамда капитализация қилиш ва тўпланган маблағлар ҳисобига барча тоифадаги фуқароларга қонунчиликда белгиланган шартлар ва кафолатланган ҳажмда тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат. Шу сабабли тадқиқотчининг фикрича, мажбурий тиббий суғуртани икки нуқтаи назардан қараш лозим: бир томондан, у давлат ижтимоий ҳимоя тизимининг таркибий элиментиدير; иккинчи томондан, мажбурий тиббий суғурта соғлиқни сақлаш тизимига маблағлар жалб этиш воситаси ҳисобланади.

Умуман олганда, мажбурий тиббий суғурта тизими мамлакат иқтисодиётидаги ҳаражатлар ҳажмини корхона, ташкилот, аҳоли ва давлат бюджети ўртасида қайта тақсимланишини таъминлайди. Шу билан бирга, мажбурий тиббий суғурта тизими давлат томонидан мувофиқлаштирилса, ўзининг алоҳида бўғинларида бозор иқтисодиёти белгилари ва рақобатни мужассамлаштиради ҳамда ўз навбатида тиббий суғурта маблағларининг мақсадли сарфланиши ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатининг ошишига бевосита сабаб бўлади. Бу эса мамлакат соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

## ХУЛОСА

Мазкур мавзунинг тадқиқ этиш жараёнида қуйидагича назарий ва амалӣ хулоса, тақлиф ва тавсиялар асослаб берилди:

1. Тиббий суғурта шартномаси ва у билан тартибга солинадиган шартномавий муносабат ўзида қуйидаги хусусиятларни жамлайди:

– тиббий суғурта шартномаси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини бозор муносабатларига хос тарзда ўз-ўзини молиялаштириш воситаси сифатида баҳоланади. Зеро, мазкур шартнома орқали аҳолининг барча қатламлари ҳақ эвазига кўрсатиладиган тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини қўлга киритади ва бу соғлиқни сақлаш соҳасининг иқтисодий ривожланишига сабаб бўлади;

– тиббий суғурта соҳасини такомиллаштириш нафақат соғлиқни сақлаш соҳасининг ривожланишига, балки суғурта бозорининг кенг авж олишига сабаб бўлади. Зеро, тиббий суғурта шартномаси тузилишининг

оммавий йўлга қўйилиши мамлакат барча аҳолисини суғурта бозори иштирокчисига айлантиради;

– тиббий суғурта шартномасини тузиш орқали нафақат тадбиркорлик соҳасида фаолият юритувчи, балки давлат бюджети эвазига молиялаштирилувчи тиббиёт ташкилотларида бозор қонуниятлари асосида ўз фаолиятини қайта ташкил этиш имконияти вужудга келади ва шу билан бирга соҳада соф рақобат муҳити шаклланади;

– тиббий суғурта шартномасининг мажбурий қўриниши аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишнинг бир шакли ҳисобланади.

2. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, мажбурий тиббий суғурта шартномасининг универсал модели амалиётда йўқ. Ҳар бир мамлакат ўзининг соғлиқни сақлаш ва суғурта тизимидан келиб чиққан ҳолда, мажбурий тиббий суғурта шартномавий тизимини яратади. Муаллифнинг фикрича, у ёки бу шаклда мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун амалдаги суғурта тизими ва мамлакатдаги соғлиқни сақлаш тизимини таҳлил этиш ва у ёки бу шаклдаги мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш зарурияти, унинг қай даражада мақсадга мувофиқ эканини баҳолаш лозим.

3. Мамлакатимизда тиббий суғуртанинг қонуний асослари етарли эмас, шу боис соҳа махсус қонунчилигини шакллантиш мақсадга мувофиқ. Айрим муаллифлар томонидан таклиф этилаётган “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”ги қонуни ўрнига “Тиббий суғурта тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Зеро, “Тиббий суғурта тўғрисида”ги қонун ҳам мажбурий ҳам ихтиёрий тиббий суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солади ва тиббий суғурта масалаларининг барча жиҳатларини ўз ичига қамраб олади.

4. Диссертантнинг фикрича, “Тиббий суғурта тўғрисида”ги қонунда қуйидаги масалаларнинг ҳуқуқий нормаси белгиланиши мақсадга мувофиқ:

– қонун лойиҳасининг биринчи боби “Умумий қоидаларга бағишланиб, унда қонуннинг асосий мақсади, Ўзбекистон Республикасида тиббий суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, асосий атамаларнинг (мажбурий тиббий суғурта, ихтиёрий тиббий суғурта, тиббий суғурта дастури, тиббий суғурта ходисаси, тиббий суғурта полиси, суғурталовчи, суғурталанувчи, тиббий муассаса, тиббий суғурта пули, тиббий суғурта мукофоти, мажбурий тиббий суғурта шартномаси ва бошқалар) таърифлари, тиббий суғуртанинг мақсад ва вазифалари, тиббий суғурта тамойиллари, тиббий суғурта турлари (ихтиёрий ва мажбурий), тиббий суғурта субъектлари, тиббий суғурталанмайдиган ҳолатлар, Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимида тиббий суғуртани молиялаштириш асослари ва бошқа умумий қоидалар;

– қонун лойиҳасининг иккинчи бобида тиббий суғуртани давлат томонидан назорат қилиш (Гарчи бу фуқаролик-ҳуқуқий муносабат доирасига кирмаса-да, лекин айрим тоифа аҳоли қатламларини мажбурий тиббий суғурта қилишда давлат томонидан назорат ўрнатиш мақсадга

мувофиқ), тиббий суғурталовчига, тиббий муассасага қўйиладиган талаблар, тиббий суғурта бўйича тарафларнинг маълумот алмашиш тартиби билан боғлиқ қоидалар;

– қонун лойиҳасининг учинчи боби тиббий суғуртанинг турлари ҳисобланган ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта ва унинг ўзига хос хусусиятларига бағишланиб, унда мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғуртанинг мақсади ҳамда вазифалари, ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта дастурлари, мажбурий тиббий суғурта қилиниши шарт бўлган шахслар доираси, мажбурий суғурталанувчиларнинг рўйхатга олиш, тиббий суғурта пулини тўлаш кафолатлари, айрим тоифа аҳоли қатламларини тиббий суғурталаш тартиби ва шартлари масалаларини ўзида мужассам этган меъёрлар;

– қонун лойиҳасининг тўртинчи боби тиббий суғурта шартномасига бағишланиб, унда фуқаролик қонунчилиги (ФК) хусусиятларидан келиб чиқиб, ФК нормаларини такрорламасликка ҳаракат қилган ҳолда, тиббий суғурта шартномаси билан боғлиқ, унинг ўзига хос хусусиятларни ичига олган умумий масалаларни ФК нормаларига ҳавола қилиб меъёрлар белгиланиши лозим. Шунингдек, мазкур бобда тиббий суғурта шартномаси тушунчаси, уни тузиш тартиби, тиббий суғурта шартномаси объектлари ва тарафлари, тиббий суғурта шартномасини амал қилиш муддати ва амал қилиш доираси, тиббий суғурта шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тиббий суғурта полиси, суғурта ҳодисаси, тиббий суғурта шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби, тиббий суғурта шартномасини бузганлик учун жавобгарлик масалалари;

– қонун лойиҳасининг бешинчи бобида ҳар бир тур бўйича тиббий суғурталашни молиялаштириш асоси, тиббий суғурта фондларининг ҳуқуқий мақоми ва уларни ташкил этиш асоси, тиббий суғурта фондларининг вазифалари, бошқарув тартиби, ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта бадаллари, тўловни амалга ошириш тартиби билан боғлиқ қоидалар.

5. Ихтиёрий тиббий суғурта мажбурий тиббий суғурта каби ижтимоий мақсадни кўзлайди. Яъни, фуқароларга суғуртали молиялаш билан тиббий хизмат кўрсатилиши кафолатланади. Бироқ, юқоридаги умумий мақсад муаллиф фикрича, турли воситалар билан амалга оширилади:

– *биринчидан*, ихтиёрий тиббий суғурталаш мажбурий тиббий суғурталашдан фарқли равишда соф ижтимоий функцияга эга бўлмайди, балки унда тижорий хусусиятлар, белгилар мавжуддир. Ихтиёрий тиббий суғурталаш ҳаётни ҳамда бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш каби шахсий суғурталаш туркумига мансуб бўлади;

– *иккинчидан*, ихтиёрий тиббий суғурталаш давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматни ҳамда мажбурий суғурта орқали кўрсатиладиган тиббий хизматларни тўлдириш учун қўлланилади;

– *учинчидан*, ихтиёрий тиббий суғурта шартномасида қайси тиббий хизмат тури учун мўлжаллаб пул тўланган бўлса, ўша тиббий хизмат кўрсатилади ва унинг ҳақи шу тиббий суғурта пули доирасида қопланади;

– *тўртинчидан*, ихтиёрий тиббий суғурта дастурларида шахсларнинг иштирок этиши уларнинг ўз эҳтиёж ва имкониятларидан келиб чиқади;

– *бешинчидан*, ихтиёрий тиббий суғурта мажбурий тусдаги тиббий суғурталашдан фарқ қилиб, малакали, юқори технологияларга асосланган тиббий хизматга зарурат туғилган ҳолларда вужудга келади;

– *олтинчидан*, мажбурий тиббий суғурта пулига нисбатан ихтиёрий тиббий суғурта пули миқдори юқори бўлганлиги сабабли, аксарият тиббий муассасалар бу турдаги суғурта шартномаси суғурталановчиларига хизмат кўрсатишдан кўпроқ манфаат кўрадилар;

– *еттинчидан*, ихтиёрий тиббий суғурта шартномаси “соф фуқаролик-ҳуқуқий характерга эга” шартнома саналади. Зеро, у диспозитив тусдаги шартлар асосида тузилади. Мажбурий тиббий суғурта шартномаси шартлари шаклланишида эса императив нормалар устуворлик қилади.

6. Амалдаги ФК суғурта полиси билан қоидаларни мустаҳкамлашда асосий эътиборни мулкӣ суғурта шартномасига қаратган ва шахсий суғурта шартномаси эътибордан четда қолган. Диссертантнинг фикрича, ФКнинг 921-моддасига суғурта полиси билан боғлиқ қоида қиритиш мақсадга мувофиқдир.

7. Тиббий суғурта фонди мажбурий тиббий суғурта шартномасида суғурталовчи тараф сифатида иштирок этади. У Ҳукумат томонидан ташкил этилади ва мажбурий тиббий суғурта муносабатларида давлат сиёсатини амалга оширади. Мамлакатимизда ташкил этиладиган мажбурий тиббий суғурта муносабатларида суғурталовчи сифатида иштирок этувчи бу фонд молиявий маблағларни жамлаш, мажбурий тиббий суғуртанинг давлат тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уни амалга ошириш учун молиявий ресурсларни тенглаштириш, мажбурий тиббий суғуртани молиялаштириш учун ташкил этилиши лозим.

8. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, барча Ўзбекистон фуқаролари мажбурий тиббий суғурта қилиниши шарт саналади ва мажбурий равишда шартнома иштирокчисига айланади. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорига асосан эса доимий ёки вақтинча яшаётган хорижий мамлакат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар мажбурий тиббий суғурта шартномаси тарафлари бўлишлари мумкин. Одатда, вақтинча яшаётган чет эл фуқаросининг мажбурий тиббий суғурта тарафи бўлиши Ҳукуматлараро келишувда назарда тутилган тақдирдагина амалга оширилади. Бу қоида Ўзбекистон фуқароларининг чет элдаги тиббий суғуртаси билан боғлиқ масалаларда ҳам жорий этилади. Диссертантнинг фикрича, ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикасининг “Тиббий суғурта тўғрисида”ги қонунида ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ.

9. Ҳар қандай юридик шахс ўз ходимини тиббий суғурталашда корпоратив тиббий суғурта шартномасини тузиш орқали шартномавий муносабат иштирокчисига айланиши мумкин. Уларга нисбатан “суғурталанувчи” ибораси қўлланилади ва улар суғурта қилинган шахснинг иш берувчилари саналади. Суғурталанувчи фақатгина юридик шахслар бўлмай, ФКнинг 989-моддаси мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, фуқаролар ҳам бўлиши мумкин. Бунда фуқаро фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ёлланиб ишлаш жараёнида ходим сифатида эътироф этилиши ва қонун шу давр оралиғида уларни мажбурий тиббий суғурталашни иш берувчи – фуқарога юклаши мумкин. Меҳнат фаолиятини бошқа шартлар (меҳнат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномадан ташқари) асосда олиб бораётган жисмоний шахслар, масалан, яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун уларнинг ўзлари суғурталанувчи бўлиши мумкин.

Пенсионерлар, вақтинча ишсиз мақомига эга бўлган шахслар, ижтимоий нафақахўрлар учун ижтимоий тиббий суғурта жамғармалари, ўқувчи ва талабалар, ҳарбий ва давлат хизматчилари, озодликдан маҳрум этилган шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, ишламайдиган аҳоли қатламлари учун маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари мажбурий тиббий суғурта суғурталанувчилари бўлишлари мумкин. Мамлакатимизда мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш жараёнида юқоридаги кўринишда тақсимот бўладиган бўлса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872 сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб суғурталовчилар учун устав капитали ўзгариши белгиланган бўлса-да, ҳанузгача Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сонли Қарори асосида ишлаб чиқилган “Суғурта бозорининг профессионал катнашчилари тўғрисида”ги Низомга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмаган. Тадқиқотчининг фикрича, ушбу номувофиқликлар бартараф этилиши мақсадга мувофиқдир.

### **Эълон қилинган ишлар рўйхати**

1. Болтаев М.С. Мажбурий тиббий суғурта шартномасининг ҳуқуқий асослари. // “Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонунчилигининг долзарб масалалари”. Илмий тўплам. –Тошкент, ЎЗМУ Ҳуқуқшунослик факультети. 2009. –Б 56-60.

2. Болтаев М.С. Мажбурий тиббий суғурта тизими. // “Олий ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари муҳофазасини таъминловчи фанларни ўқитишнинг замонавий муаммолари”. Илмий-назарий конференция

материаллари. –Тошкент, ЎзМУ Ҳуқуқшунослик факультети. 2009. –Б. 135-137.

3. Болтаев М.С. Ихтиёрий тиббий суғурта тизими. // “Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат қуриш шароитида қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг долзарб масалалари”. Илмий тўплам. –Тошкент, ЎзМУ Ҳуқуқшунослик факультети 2009. – Б 83-87.

4. Болтаев М.С. Тиббий суғурта шартномалари бўйича жавобгарликни ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммолари. // “Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат қуриш шароитида қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари”. Илмий тўплам. –Тошкент, ЎзМУ ҳуқуқшунослик факультети 2010. – Б 63-67.

5. Болтаев М.С. Тиббий суғурта хизмати ва у билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари. // Ўзбекистон Республикаси олий судининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – №3. – Б 35-36.

6. Болтаев М.С. Суғурта хизматлари бозори ва унинг ўзига хос хусусиятлари. // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – №3. –Б 54-55.

7. Болтаев М.С. Тиббий Суғуртани жорий этиш масалалари ҳақида айрим мулоҳазалар. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – №4. – Б 32-33.

8. Болтаев М.С. Мажбурий тиббий суғурта ва унинг ўзига хос хусусиятлари. // “Бозор ислохотлари шароитида фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари” Илмий-назарий конференция материаллари. –Тошкент, ТДЮИ. – Б 28-37.

9. Болтаев М.С. Тиббий суғурта полиси. //ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – №4. – Б 67-68.

10. Болтаев М.С. Тиббий суғурта шартномаси, унинг тушунчаси ва моҳияти. // Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2010. – №12. – Б 53-54

11. Юлдашев Ж.И., Болтаев М.С., Ҳамроев Э.О., Озодзода Ш.Ф. Тиббий хизмат кўрсатиш: (ҳуқуқий асослари ва ривожлантириш истиқболлари). Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТДЮИ. 2010. – Б. 136.

12. Болтаев М.С. Мажбурий суғурта ва уни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. Ўқув-қўлланма. –Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2011.

13. Болтаев М.С. Тиббий суғурта шартномаси ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тизимида тутган ўрни. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2011. – № 2. – Б. 44-47.

14. Болтаев М.С. Тиббий суғурта ижтимоий функцияси. // Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат қуриш шароитида қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг долзарб

масалалари. Илмий тўплам. –Тошкент, ЎзМУ ҳуқуқшунослик факультети 2011. – Б. 27-28.

15. Болтаев М.С. Хорижий мамлакатларда тиббий суғурта моделлари. // Суд –ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг аҳамияти. Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, ЎзМУ ҳуқуқшунослик факультети. 2011. – Б. 71-75.

16. Болтаев М.С. Ихтиёрий тиббий суғурта, унинг умумий жихатлари. // Ҳуқуқ ва бурч. –Тошкент, 2011. -№ 5. –Б. 48-49

**Юридик фанлар номзоди илмий даражасига талабгор Болтаев Мансуржон Сотиволдиевичнинг 12.00.03 – фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича “Тиббий суғурта шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари” мавзусидаги диссертациясининг**

### ***РЕЗЮМЕ СИ***

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** суғурта шартномаси, тиббий суғурта шартномаси, ихтиёрий тиббий суғурта шартномаси, мажбурий тиббий суғурта шартномаси, тиббий суғурта манфаати, тиббий суғурта фонди, тиббий суғурта ҳодисаси, тиббий суғурта мукофоти, тиббий суғурта товони.

**Тадқиқот объектлари:** тиббий суғурта шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар.

**Ишнинг мақсади:** миллий фуқаролик ҳуқуқи соҳасида тиббий суғурта шартномаси мазмун-моҳиятини очиб бериш, унинг суғурта шартномалари тизимида тутган ўрнини ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда тиббий суғурта шартномаси турларининг умумий тавсифини ишлаб чиқиш, амалдаги фуқаролик қонунчилигининг тегишли институтларини тартибга солувчи нормаларини такомиллаштириш юзасидан ғоялар, таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот усули:** тарихийлик, формал-мантиқийлик каби универсал методлар; таққослаш, таҳлил ва синтез қилиш, умумлаштириш, тизимлаштириш сингари умуммиллий методлар; илмий назариялар яратиш, илмий натижаларни баён этиш каби махсус илмий методлар.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** тиббий суғурта шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ масалалар миллий қонунчилигимиз асосида илк бор комплекс тарзда тадқиқ этилган. Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш борасида тавсиялар, ҳулосалар илмий жиҳатдан асослаб берилган ҳамда соҳага оид амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:** Тадқиқот натижалари фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришда, суд амалиётини умумлаштиришда, суғурта ва тиббиёт соҳасида фаолият юритувчи корхоналар фаолиятида самарали қўлланилиши мумкин.

**Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Диссертациядаги муаллифнинг мавзуга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳақидаги таклифлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинган. Шунингдек, асосий қоидалар муаллиф томонидан эълон қилинган илмий мақолалари ва бошқа маъруза тезисларида ўз ифодасини топган. Тадқиқот натижаларидан ЎзМУ Ҳуқуқшунослик факультетида ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

**Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** Тадқиқот натижаларидан ўқув жараёнида, илмий тадқиқотлар олиб боришда, қонунчилик соҳасида ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланилиши мумкин.

## **РЕЗЮМЕ**

**диссертации Болтаева Мансуржона Сотиволдиевича на тему «Вопросы гражданско-правового регулирования договора медицинского страхования» на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.03 – Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право**

**Ключевые слова:** договор страхования, договор медицинского страхования, договор добровольного медицинского страхования, договор обязательного медицинского страхования, интерес медицинского страхования, фонд медицинского страхования, случаи медицинского страхования, возмещение медицинского страхования, взнос за медицинское страхование.

**Объекты исследования:** отношения, связанные с вопросами гражданско-правового регулирования договора медицинского страхования.

**Цель исследования:** раскрыть суть и содержание понятия договора медицинского страхования в национальном гражданском праве, определить место и особенности договора медицинского страхования в системе договоров страхования, разработка общей характеристики видов договора медицинского страхования, а также разработка предложений и рекомендаций по совершенствованию норм, регулирующих соответствующие институты действующего гражданского законодательства.

**Методы исследования:** исторический, формально-логический, системный, сравнение, анализ и синтез, обобщение, создание научной теории, изложение научных результатов.

**Полученные результаты и их новизна:** впервые на основе национального законодательства комплексно исследованы вопросы, связанные с гражданско-правовым регулированием договора медицинского страхования. Даны научно обоснованные рекомендации и заключения по совершенствованию гражданского законодательства и разработаны практические предложения, касающиеся медицинского страхования.

**Практическая значимость:** результаты исследования могут быть применены в совершенствовании гражданского законодательства, обобщении судебной практики, а также могут быть эффективно использованы в деятельности страховых организации и медицинских учреждений.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** авторские предложения по совершенствованию действующих законодательных актов были приняты Министерством здравоохранения Республики Узбекистан. Основные правила диссертации нашли отражение в научных статьях и тезисах докладов автора. Результаты исследования используются в учебном процессе факультета «Юриспруденция» НУУз им.Мирзо Улугбека.

**Область применения:** результаты исследования могут быть использованы в учебном процессе, в научных исследованиях, в области законодательства и правоприменительной практике.

## RESUME

**Thesis of Boltayev Mansurjon Sotivoldiyevich on the scientific degree competition of the doctor of science (philosophy), in law on specialty: 12.00.03–Civil law; business law; family law; private international law, entitled “Issues of Civil and Legal Regulation of Medical Insurance Contract”**

**Key words:** insurance contract, medical insurance contract, voluntary medical insurance contract, compulsory insurance contract, interests of medical insurance, fund of medical insurance, event of medical insurance, reward of medical insurance, compensation of medical insurance.

**Subject of research:** relations connected with civil and legal regulation of medical insurance contract.

**Purpose of work:** to discover the concept and meaning of contract of medical insurance in the sphere of national civil law, to define specific features and its place in the system of contracts of insurance, to elaborate general characteristics of types of medical insurance contract, to work out ideas, proposals and recommendations to develop the norms regulating appropriate institutes of active civil legislation.

**Methods of research:** universal methods such as historical, formal and logic, general national methods such as comparative, analyze and synthesis, generalization, systematization, specific scientific methods such as creating scientific theories, briefing scientific results were used.

**The results obtained and their novelty:** the issues connected with civil and legal regulation of medical insurance contract were investigated first time at complex view on the base of national legislation. Scientifically proved recommendations, conclusions and practical offers were worked out to develop civil legislation.

**Practical value:** research results can be used effectively in civil legislation perfection, generalization of forensic practice, in the activity of the organizations operating in the sphere medicine and insurance.

**Degree of embed and economical effectivity:** the offers of the author were adopted by the Ministry of Health Care of the Republic of Uzbekistan. Main rules, which were elaborated by the author were exposed in scientific articles and other lecture materials. The dissertation results had been used in law faculty at National University of Uzbekistan..

**Field of application:** research results can be used in educational process, in scientific researches, in lawmaking procedure and in law enforcement practice.